



Jondor ovozi

SHU AZIZ VATAN —
BARCHAMIZNIKI!

Газета 1937 йилдан чиқа бошлаган • Туман ижтимоий-сиёсий газетаси • 2021 йил 15 апрель, Пайшанба № 6 (5931) • Веб-сайт: www.jondorovozi.uz

Дарахт экиб, боғ яратамиз



Кўчат экиб, боғ яратиш, табиатни асраб-авайлаш халқимизга хос эзгу қадриятлардан саналади. Шу маънода, юрдошларимиз ўзлари яшайтган ҳудудларни ободонлаштириш, боғ-роғларга айлантириш ишларини ҳамжиҳатликда бажаришга одатланганлар.

Кунги кеча Ўзбекистон Экологик партияси туман кенгаши маъруз эзгу аъёнани давом эттирди. Партиянинг вилоят кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган «Дарахт экиш акцияси»да ҳудуд аҳолиси фаол иштирок этди. Айниқса, тумандаги «Луқмон» маҳалла фуқаролар йиғинидаги бўш ётган майдонларда партия фаоллари, депутатлари, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорати бўйича Жондор туман инспекцияси хо-

димлари арча, сасна, тол, чинор каби манзара-ли дарахт кўчатларини ўтказишди.

Акция давомида қурилган дарахт ниҳолларини доимий парваришлаш бўйича аҳолига кўрсатмалар берилди.

Зеро, Бухоронинг иссиқ, қарқоқ чўлли ерларида бир донга ниҳолни парваришлаб, вояга етказишнинг ўзи машаққатли меҳнат талаб қилади.

Яхши ниятлар билан ерга қадалган бу ниҳоллар узоқ йиллар давомида ҳудуд иқлимини муътадиллаштириб, келажак авлодларни жазирама офтоб тафтидан сақлашига ҳеч шубҳа йўқ.

Лобар ХУҲАҚУЛОВА,
туман Кенгаши депутати.

“Аёллар дафтари”даги муаммолар ижроси

Мамлакатимизда хотин-қизлар фаоллигини, уларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини, турмуш шароитларини яхшилаш, фаровонлигини ошириш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, oilасида ногиронлиги бўлган, уй-жойи таъмирига, тиббий, ҳуқуқий, психологик масалада муҳтож аёллар муаммоларини ҳал этиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлар борасида кенг-кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлат раҳбарининг ташаббуси билан Қасаба уюшмалари Федерацияси раиси Қ.Рафиқов бошчилигида, Маҳалла ва oilани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда масъул ташкилотлар раҳбарлари тарҳибида аёллар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича республика комиссияси фаолияти йўлга қўйилиб, “Аёллар дафтари”ни шакллантириш ишлари амалга оширилди.

Утган давр мобайнида туманимиз бўйича 30 ешдан юқори булган 35 568 нафар аёллар билан мулоқот ўтказилди ва унинг якулари бўйича 9 тоифадаги 2 352 нафар аёллар дафтарга киритилди. Айни пайтда мамлакат миқёсида “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал этиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш ишлари қизгин бормоқда. Шу мақсадда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Меҳнат инспекциясининг Бухоро вилояти бўйича меҳнат техник инспектори Ҳайитбек Барноев, туман тармоқ қасаба уюшма кенгаши раислари ва мутасадди ташкилот вакиллари билан биргаликда ҳудудларда иш олиб боришмоқда.

Ишчи гуруҳи хотин-қизлар муаммоларини ҳал қилиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилар экан, маҳаллалар кесимида “Аёллар дафтари”га киритилганларнинг уйларига бориб муаммолари қай даражада ҳал этилаётганлиги



НОМЛАВҲАЛАР ЯНГИЛАНДИ

Туманимиздаги маҳалла, аҳоли пунктлари, кўчалар ҳамда шу каби географик объектлар номлавларини «Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида»ги ҳамда «Реклама тўғрисида»ги Қонулар талаблари асосида янгидан ёзишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ҳар бир маҳалла ҳудудининг бошланғич ва ҳудуддан чиқиб жойларида туман ишчи гуруҳи таклифи асосида тайёрланган паннолар жойлаштирилмоқда. Жумладан, Ушот маҳалла фуқаролар йиғини бошланғич чегарасида, «Ушот маҳалласига ҳуш келибсиз!» маҳалла ҳудудидан чиқиб жойига эса «Ок йўл! Маҳалламизни обод масканга айлантирайлик!», деган ёзувлар ўрнатилди. Ҳар бир кўча бошига кўча номи ёзилган пешлавлар, хонадонлар дарвозасига эса кўча номи ва уй рақами кўрсатилган ёзувлар илб қўйилди. Маҳаллалар номлавларини янгидан ёзиш учун туман ҳокимиятининг ташаббуси билан маҳаллий бюджетдан 326,4 миллион сўм маблағ ажратилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жонки, ҳар қандай ташқи реклама ва эълонлар «Давлат тили тўғрисида»ги қонуни талаблари асосида бўлмоғи шарт. Шу йилнинг 2 апрел кунини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат тилини ривожлантириш Департаменти мудири Абдулфотир Қўриғбойев туманимизга ташрифи давомида туман марказидagi Маҳмуд Торобий кўчаси, М-37 Халқаро автомобил йўлининг Ушот, Пулоти, Қалмоқ

Хумин, Қозинкент, Хўжахайрон, Эроншоҳ, Қароли, Янгиобод маҳаллалари ҳудудидa жойлашган савдо, маънавий хизмат, овқатланish шохобчаларидаги реклама ва эълон-

лар «Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида»ги ҳамда «Реклама тўғрисида»ги Қонуни талабларига эҳтимолда чиқарилганлигини қаттиқ танқид қилди.

Шунингдек, туман ҳокимиятида тузилган ишчи гуруҳи томонидан туман марказидagi тадбиркорларга тегишли савдо, маънавий хизмат кўрсатиш шохобчаларидаги ҳозир ўрнатиб чиқилди. Уларга ўз реклама-ларини чиқаришда белгиланган қонуни талабларига риоя қилишлари шартлиги тушунирилди. Талабга жавоб бермайдиган «Оптом», «Мой-сам», «Замен маслом», «Автозапчасти» ва шу каби рек-

лама воситаларини ўзгартириш борасида тавсиялар берилди.

Айни кунларда ишчи гуруҳининг фаолияти давом этмоқда.

Равно РАХИМОВА,
туман ҳокими маслаҳатчиси.



ЯССАВИЙ — РУҲИЯТ ДОНИШМАНДИ

Аслида биз ўзбеклар туркийзабон халқлар тоифасига кирамиз. Туркий халқлар орасида эса, дунёга машҳур алломалар, фозилу фузалолар, шоиру шуаролар, буюк уламолар, етук мунажжимлар, қомусий даргалар, тарихий шахслар, авлиелар, шайхлар, валиилар, ровийлар яшаб ўтишган.

Туркий элнинг етук вакили сифатида янги бир тасаввуф таълимотини яратган ва тасаввуф шеърятига асос солган машҳур, атоқли намоянда Хожа Аҳмад Яссавийдир.

Руҳият донишманди аталмиш давр шоирларининг раҳнамоси Аҳмад Яссавийнинг гарчанд туғилган йили маълум бўлмаса-да, унинг вафоти илмий адабиётларга асосланган ҳолда, 1166-1167 йилларга тўғри келади.

Лекин, Яссавий ҳозирги Туркистон қадимги Ясси яқинидаги Сайрам шаҳрида тахминан XXI асрнинг иккинчи ярмида таваллуд топгани аён. Унинг отаси Шайх Иброҳим нуфузли зотлардан, онаси эса Мусо Шайхнинг қизи Ойша Хотун бўлган. Онасидан эрта айрилган Аҳмад етти ёшида отадан ҳам ажраб, онаси Гаваҳар Шаҳноз тарбиясида қолади.

Аҳмад онаси билан Яссига кўчиб боргач, биринчи устоз, афсонавий Арслонбоб билан учрашди ва ундан сабоқлар олади.

Хожа Аҳмад Яссавий иломий ва тасаввуф илмларини ажабтовур маҳорат билан омукта этиб, иймон ва садоқат гояларини эҳтирос ила куйлайди.

*Оқил эрсанг, ғарибларинга кўналин оела,
Мустафодек элни кезиб етим қоела,
Дунёпараст, ножинлардан буюн тоела,
Буюн тоелаб, дарё бўлиб тошдим мано.*



Рамазон муҳфаси

дея ҳикматлар битади, Яссавий. Маълумки, ўша даврларда илм-маърифатнинг маркази бўлган Бухорода Туркистоннинг турли ерларидан толиби илмлар йиғилишган. Бухорода Яссавий араб тили билан бирга форс тилини ҳам чуқур ўрганди. Форсийда яратилган тасаввуфий адабиёт билан танишади. У Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Абдуллоҳ Баррақий, Хожа Ҳасан Андақийлар билан ҳамсуҳбат ва ҳаммаслак бўлиб, Юсуф Ҳамадонийнинг шоғирдлари қаторидан ўрин олади.

Аҳмад Яссавий ўзининг ҳикматларида нафсга нафрат билан қараш асосида, Ҳажа муҳаббат, Расули акрамга сидқу садоқат, аммо, нодон ва ножинлардан, худбин ва худобеҳабарлардан қочишга даъват этади.

*Ер остига қочиб кирдим нодонлардан,
Дано топмай ер остига кирдим мано.*

Ушбуни ўқиб, беихтиёр доно ва оқил халқимизнинг, «Ғамгин бўлсанг бозор бор,

жўшқин бўлсанг мазор бор», деган нақли эсимизга келади.

Аҳмад Яссавий бойлик тарки, кишининг ўзидаги ёмон ҳислатлар тарки баробарида ёмон одамлар, зolim ва нодонлар таркини назарда тутиб, шундай дейди:

*Тариқатни шавқу завқи куймоқ-ёнмоқ,
Ҳақдан қочмон, ножинлардан қочиб тонмоқ,
Юз минг турпук, жафо чекса, буюн сунмоқ.*

Демаки, Ҳақдан қочганлардан қочиш даркор, носоғлом фикрловчи кимсалардан ўзни йироқ тутиш лозим.

Яссавийнинг муқаддас Рух (тили) номи билан аталган «Ҳикматлар»ини ғайриинсоний дейиш, нотўғри. Аллома умр буйи маълумлар, етим, ғарибларни ҳимоя қилди. Ўз қарамоғига олди.

Хуллас, Хожа Аҳмад Яссавий шеърятини энг халқчил ва халқпарвар, ҳақсевар шеърятдир. Унинг гоялари инсоният қозонган энг ардоқли гоялар қаторида абадий яшаб қолаверади.

*Бешак билина, бу дунё борча элдин ўтаро,
Инонмагил молинга, бир кун қўлдин кетаро.*

*Ото-оно, қариндош, қаён кетти, фикр қил,
Тўрт ағглиз чўбин от бир кун санга етаро.*

*Дунё учун ғам ема, Ҳақдин ўзгани дема,
Киши молини ема, сирот узра тутаро.*

*Ахли аёл, қариндош, ҳеч ким бўлмайдди ўйлдош,
Мардона бўл ғариб бош, умринг елдек ўтаро.*

*Хожа Аҳмад тоат қил, умринг билмом неча йил,
Аслина билсанг, оби гил, яна зилта кетаро.*

Ҳазрат ЗУЛҒИҚОРОВ, шоир. Ўзбекистон Республикаси «Ижодкор ўқитувчи» кўкрак нишони соҳиб.

Муаммолар ечимсиз қолмайди

Аҳолини қўйнаб келаётган долзарб муаммоларнинг ечимини топиш, тегишли мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳал этилишини таъминлашга Ўзбекистон Республикаси Президентининг тумандаги Халқ қабулхонаси томонидан катта эътибор қаратилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чораги давомида туман Халқ қабулхонасига мурожаат қилиб келган 539 нафар фуқароларнинг аризалари ўз вақтида тегишлилиги бўйича мутасадди ташкилотларга юборилиши ва ижроси назорат қилиниши натижасида уларнинг 264 таси қаноатлантирилди.

Қайд этилган мурожаатлар таснифлаб чиқилганда, меҳнат ва аҳоли бандлиги масалаларида 114 та, давлат бошқаруви органлари фаолияти юзасидан 48 та, иқтимоий таъминот, иқтимоий сугурта ва иқтимоий ҳимоя масалаларида 10 та, коммунал хўжалик соҳасида 61 та, прокуратура органлари фаолияти бўйича 22 та, соғлиқни сақлаш соҳасида 14 та, тadbиркорлик фаолияти бўйича 65 та, таълим ва фан йўналишида 4 та, уй-жой хўжалиги масалаларида 50 та, фуқаролик қонунчилиги масаласида 7 та, хавфсизлик ва ҳуқуқ тартибот масаласида 18 та, хўжалик фаолиятидаги 37 та ҳамда бошқа турли йўналишлардаги мурожаатлар 22 тани ташкил этади.

Шунингдек, Халқ қабулхонаси томонидан сектор раҳбарларининг ҳудудларида белгиланган жадвали асосида ўтган 3 ой мобайнида 44 маротаба сайёр оммавий қабуллар ўтказилди. Қабуллар жараёнида келиб тушган 164 та мурожаатларнинг 78 таси ўз вақтида қаноатлантирилди.

Сайёр оммавий қабуллар жараёнида аҳоли томонидан билдирилган муаммоларнинг 41 таси иш билан таъминлаш масаласида, 26 таси имтиёзли кредит олиш, 25 таси йўлларни таъмирлаш, 23 таси газ, электр, сув ва иссиқлик таъминотидаги муаммоларни, 10 таси уй-жой, ер билан таъминлаш масалалари, 7 таси моддий ёрдам олиш, 3 таси транспорт хизмати, 2 таси соғлиқни сақлаш соҳаси, 1 тадан суд масалалари, икки ишлар фаолияти, солиқ тўловлари, қўрилиш соҳасидаги ҳамда 23 та бошқа соҳалардаги муаммоларни ташкил этади.

Жумладан, 2021 йил 3 февраль кuni тумандаги Далмунобод маҳалла фуқаролар йиғинида 1-сектор раҳбари томонидан ўтказилган сайёр оммавий қабулда Хўжалик қишлоғида яшовчи фуқаро Сулаймон Ҳошимов қишлоққа борувчи тоза ичимлик суви қувурини таъмирлаб беришни сўраб мурожаат қилди. Мазкур масала Халқ қабулхонаси назоратига олиниб, туман Сувоқвава қорхонаси томонидан сув қувурлари таъмирланди ва мурожаат ижобий ҳал қилинди.

Сайфулло САФАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Жондор туманидаги Халқ қабулхонаси
етакчи мутахассиси.

СПОРТ — СОҒЛИК ГАРОВИ



Яқинда туман халқ таълими бўлими, туман ҳокимлиги, жисмоний тарбия ва спорт бўлими ҳамкорлигида «Соғлом ҳаёт учун беш минг қадам» шиори остида марафон ўтказилди. Унда 500 нафардан зиёд ўқитувчи ва ёшлар иштирок этишди.

Марафон иштирокчилари эрта тонгдан 1-мактаб биноси олдида то туман Марказий ўйингоҳигача бўлган масофани пиёда босиб ўтишди.

Сўнг, тadbир иштирокчилари ўйингоҳда энгил спорт тури бўлган бадантарбия машқларини бажаришди.

— Эрталаб очиқ ҳавода юриш, бадантарбия қилиш инсон саломатлигини яхшилайди, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Л.Бехбудова. — Айниқса, бу юрак қон-томир касаллиги хавфини, ортиқча вазнин олдини олади. Инсонга тетиклик бағишлаб, қаришни секинлаштиради.

Ҳа, соғлом бўламан, узоқ яшайман деган киши мунтазам равишда спорт билан шугулланиши лозим. Шундай экан, пиёда юриш марафони бундан кейин ҳам давом этаверади.

Илмия ФАЙЗУЛЛАЕВА,
туман халқ таълими бўлими жисмоний ва
юридик шахсларнинг мурожаатлари билан
ишлаш мутахассиси.



“Аёллар дафтари”даги муаммолар ижроси

тўғрисида суҳбатлар уюштириб, муаммоларни ҳал этиш бўйича туманидаги секторлар ва мутасадди ташкилот раҳбарлари билан учрашувлар ташкил қилинмоқда.

Мазкур жараёнларда “Аёллар дафтари”га киритилган ишсиз, ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳар бир хотин-қизнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, томорқа ерларидан самарали фойдаланишига кўмаклашиш, кредит ажратиш бўйича сектор раҳбарлари, бандликка кўмаклашиш маркази масъуллари ва Банк ходимларининг қисқача ахборотлари тингланаяпти.

Белгиланган вазифалар ижросининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилиб, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар белгилаб олинмоқда.

М.ЭЛМУРОДОВ,
таълим ва фан ходимлари касаба
юшмаси туман кенгаши раиси.



МУНОСИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Талаб, тақлиф ва рақобат майдони ҳисобланган бозорлар инсон эҳтиёжларига хизмат қилади. Азал-азалдан юшлар ана шундай бозорлардан ўз заруратига кўра барча турдаги маҳсулотларни харид қилиб келади.

Ҳозирги бозор иқтисодий тартиқли тоған бир даврда сифатли, арзон маҳсулотларга эҳтиёж ортиб бораётир. Бундай паллада сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга эътибор қаратган тадбиркорлар учун кенг имкониятлар эшиги очилмоқда. Ишлаб чиқарилган маҳсулот харидорғир, рақобатбардош, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда истеъмолчи-харидорнинг талабларига мос бўлмоғи зарур.

Яқинда туман миқёсида мактаб ўқувчилари ўртасида «Мен ёш истеъмолчиман» иншолар танло-

ви эълон қилинди. Туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти ходимлари М.Сафарова ҳамда Ф.Бўронов ташкиллаштирган мазкур танловда кўплаб ёшлар иштирок этишди.

Айниқса, улар орасида Математика мактаби ўқувчиси Робиябегим Носирова ёзган иншо биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Иккинчи ва учинчи ўринлар эса 34-мактаб ўқувчиси Сабина Ораёқуллова ҳамда 13-мактаб ўқувчиси Севинч Эргашеваларга насиб этди.

Танлов ғолиблари ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Аброр ЖУМАЕВ,
туман халқ таълими бўлими
методисти.

ФОЗИЛЖОНДАН УМИДИМ КАТТА, дейди унинг мураббийси

Инглизчадан таржима қилинганида «ўйин» маъносини аниқлашчи спорт — жисмоний маданиятнинг негизи ҳисобланган. Инсонларнинг спорт билан шуғулланишдан асосий мақсад энг аввало, саломатлик, қолаверса, галаба ва яхши натижаларга эришишдир.

Маълумки, дастлабки спорт мусобақалари Юнонистонда ташкил этилган. XIX-асрнинг иккинчи ярмига келиб Халқаро олимпиада қўмитасининг ташкил қилиниши юшлар орасида спортга бўлган қизиқини кучайтиришга, спортни тез суратларда ривожланишига сабаб бўлди.

Айни пайтда мамлакатимизда ушбу соҳага қаратилаётган эътиборга ҳавас қилса арзийди. Ўзбек спортининг гуллаб-яшнашига, спортни ҳаётининг мазмунига айлантиришга, мазкур йўналишда сидиқидилдан меҳнат қилаётганлар, қолаверса, давлат раҳбарининг ғамхўрлиги бош омили бўлаёпти.

Фозилжон Муҳаммадов ҳозир 10 ёшда. У ҳали мактабга бормасданок, спортга қизиқди. Дастлаб у отаси, онаси ва кўпроқ Муҳаммад бобоси кўмағида шашка ўйнашни ўрганди. Кейинчалик унда спортнинг таэквондо тури бўлган ҳавас орта бошлади. Чунки, 14-мактабда мураббий Муҳсинбек Мирзаев спортнинг таэквондо тури бўйича тўғрақ ташкил қилган, қишлоқ ёшлари эса ғуруҳ-ғуруҳ бўлиб унга қатнашарди. Ана шундай кунларнинг бирида Фозилжон ота-онасининг ҳол-жонига қўймай «ш» у тўғраққа қатнашаман» дея оёқ тираб олди.

Ававалига, Самандар ака ва Лопи она узоқ ўйлашди. Чунки, улар бундай машғулотлар ҳали мактабга чиқмаган боланинг кейинчалик ўқишига, дарсларини ўлаштиришга салбий таъсир қилишдан ҳавотирланишарди. Ота-она мактаб психолоғи билан маслаҳатлашди. Унинг ўринли ҳулосасини олишгач, Фозилжонни ёш мураббий М.Мирзаевнинг ҳузурига олиб келишди. Мураббий Фозилжондаги спортга бўлган иштиёқни бир қарашдаёқ илғаб олди. Унга алоҳида эътибор қаратди.

— Фозилжон менинг ишонган шогирдларимдан биридир. — дейди Муҳсинбек Мирзаев. — Унинг характеридаги қайсарлик ўрнини аста-секин эпчиллик, маҳорат эгалламоқда. Бу шогирдим ёш бўлишига қарамай, чайир, ҳаракатчан. Ана шундай одатлари сабаб у аста-секин нафақат туман, балки вилоят таэквондочилари орасида ўз ўрнига эга бўлмоқда. Масалан, Фозилжон 2018-2019 йилларда бир неча бор спортнинг шу тури бўйича ўтказилган туман биринчилигида ғолиб бўлди. 2019 йили «Бухоро олен» очиқ турнири, 2020 йилда беш муҳим ташаббус доирасида ташкил қилинган «Ёшлар ҳафталиги» мусобақаларида 2-ўринни эгаллаган бўлса, 2020-2021 йиллар давомида қўшни вилоятларда ўтказилган бир неча нуфузли мусобақаларда фахрли биринчи ўринга сазовор бўлди. Мисол учун, ўтган йили Наврўз байрами ара-

фасида Шофиркон туманида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28 йиллиги муносабати билан Когон очиқ биринчилиги, Қарши шаҳрида бўлиб ўтган Муборак биринчи очиқ кубоғи каби мусобақалари шулар жумласидандир. Мени кувонтирган яна бир жиҳат шуки, ўтган йили вилоятимизда Халқаро турнир ташкил қилинди. Унда қўшни республикалар Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ҳамда Россия Федерациясидан кўплаб иқтидорли таэквондочилар қатнашди. Мазкур нуфузли тадбирда шогирдим ишончмни оқлади. Тенгқурлари орасида совриндор бўлди. Ишончим комилки у келажакда чемпион бўлиб юртимиз байроғини янада кўларга кўтаради.

Дарҳақиқат, Фозилжон Муҳаммадов яқинда Когон шаҳрида ташкиллаштирилган мусобақада биринчи ўринни эгаллаб, май ойида пойтахтда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон чемпионатида йўлланмани кўлга киритди.

Биз ёш спортчидан келгусидаги мусобақаларда бундан-да яхши натижалар кутиб қоламиз.

Вазира ХУЖАЕВА,
9-мактаб ўқитувчиси.



Халқимизда «Соглом онадан соглом бола туғилади», деган навл бор. Аваламбир, соглом оилани шакллантириш учун ота-она соглом, баркамол бўлиши керак. Бунинг учун эса, эрта ва қариндош-рустлар ўртасидаги никоҳлардан илроқ бўлиш лозим. Ойла никоҳдан бошлана-

бир-бирини тушуниб, оғир ва кувончли кунларда ҳамнафас бўлиб, меҳ ва муҳаббат билан ўтказиш каби таассуротлар асосида турмуш қуришлари мақсадга мувофиқдир. Турмуш фаровон бўлиши учун сабр, масъулият, хоҳиш ва билан зарур. Эрта тур-

Афсуски, айрим ота-оналар ўз орау-ҳавасларини устун қўйиб, фарзандларини эрта никоҳга узатишди. Бу эса эрта ҳомиладорликка олиб келиши, бу жуда оғир келиши, турғу жараёнида она ва боланинг соғлиги рағбатида қилиши мумкин. Биринчи ҳомиладорликдаги аборт Бепушликка, жисмоний аъзоларнинг сурнали яллчланиш касалликларига олиб келади. Бу эса оилага моддин зарар кел-

ли 20 ёшдан кейингина анатомик ва физиологик жиҳатдан бутунлай камолотга етадилар. 18 ёшгача бўлган қизлар эса ҳали физиологик ривожланиши охирига етмаган, тос суюлғир ривожланиш босқимида бўлади. Бундай ёшларда ҳомиладорлик рўй берса, ҳомиланing ривожланиши ва турғу жараёни жуда оғир ўтади. Бола чала, кам ваэли, турғи нуқсонлар билан туғулиши мумкин. Агар бола соглом туғилганда ҳам уни парвариш қилиш 15-17 ёшли қизларга жуда оғирлик қилади. Шунингдек, эрта ҳомиладорликда бир қатор салбий оқибатлар, турғи хил асоратлар кузатилади. Биринчи ҳомиладорлик кўп ҳолатларда аборт билан яқунланади, бунинг оқибатида жансий аъзоларда турғи хил юқумли ва бошқа касалликлар ривожланади.

Ана шундай илглатларнинг олдини олиш мақсадида туман саломатлик марказининг даволаш муқофазалаш шифокорлари, ўрта тиббиёт ходимлари томонидан оилалар, маҳалла, мактаб, қолғач, лицейларда «Эрта турмуш қуриш, қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари ва уларнинг олдини олиш» мазсуларига кенг қамровли тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Дарҳақиқат, жисмонан соглом, маънавий етук ва ҳар томонлама баркамол авлодни шакллантиришда оиланинг ролини ошириш, ёш қизлар ўртасида эрта никоҳланишни олдини олиш, мустаҳкам, соглом оилани шакллантиришда маҳалланинг ўрни алоҳида аҳамиятга эгадир. Шунингдек, бу кенг қамровли ишларни амалга оширишда, ФХДЕ, Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими, оммавий ахборот воситалари ходимлари, диний қўмита аъзолари билан ҳамкорлиги янада муҳим ҳисобланади.

Эрта ота-оналар! Эрта турмуш қуриш ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатларига бефарқ бўлмайллик. Фарзандларимизнинг эрта оила қуришларига йўл қўйиб, уларнинг соғлигига, умрига, бахтига зомин бўлмайллик.

Қундуз МАРДОНОВА, туман кўп тармоқли марказий полигиплика Саломатлик хонаси инструктори.

ЁШЛАР ТАҚДИРИГА БЕФАРҚ БЎЛМАЙЛИК

ди. Никоҳ — арабча қўшиқчи сўзи бўлиб, эрта билан аёл ўртасидаги муайян иттифоқ ва бу иттифонинг жамият, давлат томонидан тан олинини ва маъқуллашнинг тарихий шаклидир.

Никоҳ расмий қўнунлар асосида ўзлаштирилганда ҳақиқий ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Ойла кодексининг 1-моддасида, никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЕ) органларида тузилган лозимлиги кўрсатилган.

Эрта турмушга чиқётган қиз ҳали жисмонан, руҳан, иқтисодий-иқтисодий томондан ҳаётга тайёр бўлмайдди. Шунини инобатга олсак, қизлар учун турмушга чиқиш ёшини 20-22, илгитлар учун 23-25 ёш деб белгилангани маъқулдир. Чунки, бу ёшда улар жисмонан ва руҳан салоҳиятли, оила юмушларини бақаришда анча ўзини тутиб олган бўлишади.

Турмуш қуриш учун ёшлар жисмоний, руҳий ва маънавий соглом бўлиши керак. Икки ёш



муш қуришда қиз болалар ўз мушайиллик ва эричиликлари билан чеқанадилар. Ойлада юзага келадиган муаммолар эчимини тўғри ва мақсадли ҳал этишда қўйналадилар. Шунингдек, дунёга келган фарзандларини парваришда ва тарбиялашда қўйинчиликларга дуч келишади.

тириши ва ола мустаҳкамликка салбий таъсир этиши мумкин. Бундан ташқари, эрта турмуш қуриш қўйинча бепушликка, боланинг ой-қўни етмай туғилишига ва ҳомиланing нотўғри ривожланишига сабаб бўлади. Илий маълумотларга қўра, қизлар ва йилгитлар деяр-

РЎЙХАТГА ОЛИШ МУДДАТИ УЗАЙДИ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралда «Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 5655-сонли фармони имзо-ланганди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрда «Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёрларлик қуриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида» 710-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари 2023 йилнинг 1 ноябрдан 25 ноябргача белгиланди.

Авваламбор, аҳолини рўйхатга олиш —бу аҳолининг демографик, иқтисодий ва иқтисодий маълумотларини йиғиш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва чоп этишнинг ягона жараёнидир. У маълум бир

вақтда мамлакатдаги барча шахсларга ёки унинг аниқ чегараланган қисмига тегишли ҳисобланади. Бу аҳолининг муайян вақтдаги «фотосурат»ини олиш имконини берувчи умумдавлат миқёсидаги кенг қўламли тадбир бўлиб, аҳоли тўғрисидаги ишончли ахборот манбаи ҳисобланади.

Эътиборли жиҳати шундаки, аҳолини рўйхатга олиш яқунларига қараб ўтмиш ва ҳозирги давр ҳақида фикр-мулоҳазалар қоришти ҳамда келажакни прогноз қилиш мумкин бўлади.

Қатор ҳолатларда аҳолини рўйхатга олиш — Фуқаронинг ёши, жинси, миллий таркиби, маълумот даражаси, никоҳ ҳолати, бандлиги ва бошқа таъсирлари ҳақида маълумотлар олиш имконини яратди.

К.ИСМОИЛОВ, туман статистика бўлими бош муҳассиси.

Эълонлар

МЕРОС ИШНИ ОЧИЛДИ

Самончўк МФЙ Самончўк қишлоғида яшаб, 2020 йил 4 октябрда вафот этган **Назира Назира Тўхтаеванин**нинг музига мерос иши очилганлиги муносабати билан унинг меросхўрларидан мерос гувоҳномасини расмийлаштириш учун бир ой муддат ичиде Жондор туман давлат нотариал идорасига муурожаат қилишлари сўралади. Манзил: Жондор шаҳарчаси, М.Торобий кўчаси.

Эроншоҳ МФЙ Эроншоҳ қишлоғида яшаб, 2012 йил 15 майда вафот этган **Хантон Рашид Расулованин**нинг музига мерос иши очилганлиги муносабати билан унинг меросхўрларидан мерос гувоҳномасини расмийлаштириш учун бир ой муддат ичиде Жондор туман давлат нотариал идорасига муурожаат қилишлари сўралади. Манзил: Жондор шаҳарчаси, М.Торобий кўчаси.

СОКИТ ҚИЛШНАДИ

2014 йил 8 октябрда йўл ҳаракати хавфсизлиги Бухоро иллот ботқармаси томонидан Ражабов Шомурод Мурод ўғли номига берилган О'Р-2 № 2859847 рақамли талон йўқолгани сабабли эътибордан сокит қилинади.

2002 йилда 27-мактаб томонидан Ахматова Нафосат Боймуродовна номига берилган О'Р-2 № 0607152 рақамли йўқолгани сабабли эътибордан сокит қилинади.

2009 йилда 11-мактаб томонидан Худоберова Назифа Худойбердиевна номига берилган О'Р-ШН № 0867945

рақамли йўқолгани сабабли эътибордан сокит қилинади.

2000 йил 23 февралда Бухоро иллотринал педагогика техникуми томонидан Нарзиева Зилола Юсуповна номига берилган № 445120 рақамли **диплом** йўқолгани сабабли эътибордан сокит қилинади.

«IZZAT FERUZ QODIR» масъулияти чекланган жамиятига тегишли **айлана муҳр** ва **тўртбурчак тамга** йўқолгани сабабли эътибордан сокит қилинади.

«Миржалол Мирқамол Олимжон» фермер хўжалиғига тегишли **айлана муҳр** ва **тўртбурчак тамга** йўқолгани сабабли эътибордан сокит қилинади.

Буни доимо эсда тутинг!

Азиз юртдошлар! Карантин қоидаларига қатъий амал қилинг. Ташқарига махсус ниқобгаз чиқманг. Қўлларингизни тез-тез совуглаб қуянг. Иқтисодий ма-софани сақланг. Узгалар билан қўл бериб ёки қўчқлашиб қўришманг. Кекасаларни карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда эърат қилайллик. Ота-оналарингизни, фарзандларингизни, ўзингизни коронавирус балосидан асранг!

<p>МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Жондор туман Кенгаши ва туман ҳоқимлиғи</p>	<p>Бош муҳаррир: Ихтиёр ҲАЙДАРОВ</p>	<p>МАНСИЛИК: 20000. Жондор шаҳарчаси, М.Торобий кўчаси, 21-үй. Тел: 58-21-943. E-mail: jondor.ovozi@mail.uz Газета ҳафтада бир марта чиқади</p>	<p>Бухоро вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан 2012 йил 19 мартда 05-056 рақам билан рўйхатдан ўтган</p>	<p>Индекс 330 Нусха 835 Буюртма № Чоп этилиши рус тилида Этилиш вақти: 15:00 Басми Ташқаридан чиқарилади</p>	<p>Навбатчи муҳаррир: И.Ҳайдаров Музаҳҳир: Ҳ.Зулфикооров Саҳифаловчи: Г.Ғолипова Газетанинг ягона қўлёзвалар муаллиф ва қўйилмайдди</p>	<p>Газета тарқитиш юкитер марказида тегилиб ва сарқиланади. «Бухоро вилоят бошқармаси» М-ЖҚда чоп этилади. Босилган вақти: Бухоро шаҳри, Иброҳим Мўминов кўчаси, 27-үй. Тел: (666) 223-25-38.</p>
--	---	--	--	--	--	---